



«Посишга»

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Газета 1930 йил 12 майдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2002 йил 25 июль, пайшанба • 30 (3454)-сон

ШАҲАРЧАДА ҲАММАЁК ТИНЧ



14-бет

“БИЗ АҲОЛИНИНГ КЕНГ ҚАТЛАМЛАРИ, БУТУН
ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН БИРГА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЯПМИЗ”

ДИҚҚАТ!

**ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ
ХИЗМАТЛАРИНИНГ**

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармасининг барча ҳудудий тизимларида жамоатчилик билан тезкор алоқа боғлаш мақсадида “Ишонч телефонлари” фаолият кўрсатмоқда. Телефонлар кеча-кундуз давомида узлуксиз ишлайди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракатни ташкил этишга оид фикр-мулоҳазалар, шунингдек хизмат ходимларининг фаолиятида учрайдиган фуқароларга нисбатан қўпол муомалала бўлиш, тамағирлик каби салбий ҳолатлар бўйича тезкор маълумот юбориш учун куйидаги телефонлар орқали хабар беришингиз мумкин.

Худудлар	Худуд коди	Ишонч телефонлари
ИИБ ЙҲХ		
Бош бошқармаси	8-3712	1362661 1442850
Қорақалпоғистон Республикаси	8-36121	76892 70667
Андижон вилояти	8-37422	69629 45442
Бухоро вилояти	8-36522	41843 43505
Жиззах вилояти	8-37222	62212 64802
Қашқадарё вилояти	8-37522	52128 56702
Навоий вилояти	8-43622	37590
Наманган вилояти	8-36922	43644 62010
Самарқанд вилояти	8-3662	311212 222323
Сурхондарё вилояти	8-37622	24105 24104
Сирдарё вилояти	8-36722	73293
Тошкент вилояти	8-3712	1627483 643894
Фарғона вилояти	8-37322	43251 44950
Хоразм вилояти	8-36222	55086 56005
Тошкент шаҳар	8-3712	549598 559804

УЧИНЧИ «Посишга» gazetasing ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

+ TV OLAM

ЮТУҚЛИ СКАНВОРД

5000 сўм

ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида жорий йилнинг биринчи ярмидаги тезкор-қидирув фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти **Б. Матлюбов олиб борди.**

Муҳокама этилаётган масала юзасидан республика ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш Бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги **В. Тошматов** маъруза қилди.

Йиғилишга Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспорт ИИБ, вилоятлар ИИБлари тезкор хизматларининг раҳбарлари таклиф этилдилар. Улар амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот бердилар.

Б. Матлюбов якунловчи сўзида республика ИИБ тезкор хизматлари, уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятига баҳо бериб, келгуси вазифалар хусусида тўхталди.

Ўз мухбиримиз.

Республика ИИБ Жазони ижро этиш Бош бошқармасида унга қарашли муассасаларнинг биринчи ярим йиллик фаолияти якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Муассасалар ва хизматлар раҳбарлари қилинган ишлар юзасидан ҳисобот бердилар. Йиғилишда, жумладан, маҳкумларни меҳнат билан банд қилиш, тарбия жараёнини ташкиллаштириш ва бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат генерал-майори **Р. Қодиров** муассасалар раҳбарлари диққатини маъмурият томонидан қонунчиликка қатъий риоя қилиниши ва жазо ўтаётган шахсларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларга қаратди.

Йиғилишда жазони ижро этиш тизимининг барча фаолият йўналишлари бўйича асосий вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Қоровул қўшинлари қўмондони, подполковник **Н. Сулейманов**, республика ИИБ Ички қўшинлар штаби бошлигининг ўринбосари, полковник **А. Рауясов** қатнашдилар.

М. ГУРЕВИЧ,

ички хизмат полковниги.

Яқинда республика ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаларининг 2002 йил биринчи ярим йиллигидаги хизмат, молия-ҳўжалик фаолияти сарҳисоб қилинди. Йиғилиш ишида республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник **Ҳ. Ибрагимов** иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Республика қўриқлаш бўлинмалари ўз фаолиятини ислоҳ қилиш йўлидан бормоқда. Утган ярим йилда кўпгина йўналишларда ижобий кўрсаткичларга эришилди. Йиғилишда ютуқлар ҳақида гапирилиб, хизмат фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлар, мавжуд муаммолар очик айтилди. Уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Ҳисобот йиғилишида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Наманган вилоятлари ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармалари, бўлимлари раҳбарлари, Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси бошлиғи, Жиззах вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлигининг ҳисоботлари тингланди. Ушбу масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармасида жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида ёнгин хавфсизлиги хизматларида амалга оширилган ишлар юзасидан кенгайтирилган мажлис бўлиб ўтди.

Йиғилишда республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги **А. Қўлдошев** сўзга чиқди. Бошлиқ ўз нутқида Бош бошқарма ва унинг қуйи тизимларида ўтказилаётган ислохотлар ҳақида тўхталди. Шу билан бирга ходимлар томонидан республика ҳудудидаги аҳоли турар жойларида, халқ ҳўжалиги ва қишлоқ ҳўжалиги корхона ва жабҳаларида ёнгинларнинг олдини олиш, содир бўлган ёнгинларни тезда бартараф этиш, ўт ўчириш қисмлари моддий-техника базасини яратиш ва мустаҳкамлаш, шахсий таркиб фаолиятини такомиллаштириш борасида босқичма-босқич, қатор ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтди.

Ёнгин назорати хизматлари ҳисобот даврида 181 минг 68 та корхона, муассаса, ташкилот ва ҳўжаликларда тўлик, қайта, тезкор текширишлар ўтказилди.

Сўзга чиққанлар жойларда амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот беришди. Йиғилиш сўнгида келгусидаги долзарб вазифалар, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари белгилаб олинди.

Д. ҚАМБАРОВ.

ГАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Мамлакатимиз аҳолиснинг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида республикамиз Президентининг Фармонида бинам ҳар йили иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори ошириб берилмоқда. Бу йил иккинчи бор шу мазмундаги Фармон матбуотда эълон қилинди. Унинг Ички ишлар вазирлиги тизимида ўз вақтида, аниқ бажарилишни таъминлашда Молия-иқтисод бошқармаси ходимларининг ўрни, каттадир. Мухбиримиз ана шу хусусда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Молия-иқтисод бошқармаси иш ҳақи ва штат бирликларини назорат қилиш бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги Мўмин Умархўжаев билан суҳбатлашди.

– Мўмин Ёқубович, аввало мамлакатимиз Президентининг “2002 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармонининг ижроси борасида бошқармада амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

– Шунинг таъкидлаш кераки, мазкур Фармон давлатимиз томонидан аҳолига кўрсатилаётган гамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди. У матбуотда эълон қилиниши билан бошқарма таркибидаги ҳар бир бўлимга тааллуқли вазибалар белгилаб олинди. Қисқа вақт ичида вазибаларнинг ИИБ идоралари оддий ва бошлиқлар таркибидаги ходимларнинг,

вазирлик тизимидаги ҳарбий хизматчиларнинг, махсус (ҳарбий) унвонлари бўлмаган ходимларнинг ҳамда ИИБ тизимидаги ишлаб чиқариш муассасалари, ташкилотлари, ишчи ва хизматчиларининг иш ҳақларини ошириш тўғрисида буйруқларини тайёрладик.

– Қисқа вақт ичида юқорида қайд этилган буйруқларни тайёрлаш, анчайин мураккаб ҳисоб-китобларни амалга ошириш осон кечмагандир?

– Бу жараёнга Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Ш. Исҳоқхўжаев умумий раҳбарлик қилиш билан бирга иш жараёнида йўл-йўриқлар кўрсатиб, маслаҳатлар бериб турдилар. Бўлимимиз ходимлари ҳам уюшқоқлик билан ишлашди. Шу ўринда ички хизмат капитанлари Ф. Раҳматуллаев ва Б. Соиповаларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлашни истардим.

– Шаҳодатланган ходимларнинг иш ҳақлари лавозим маошлари ва ун-

вон учун маошларидан иборат. Шу йил 1 августдан бошлаб ҳар иккала маош ҳам 15 фоизга ошадими?

– Ҳа, бундан ташқари иш ҳақида кўшиладиган устама ва кўшимча ҳақларнинг барча турлари ҳам энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда 15 фоизга оширилади.

– Фармонда олий ўқув юртларининг талабаларига бериладиган стипендиялар 1,15 баравар оширилиши кўзда тутилган. Бу ИИБ тизимидаги олий таълим муассасаларининг тингловчи ва курсантларига ҳам тааллуқлими?

– Албатта. Юқоридаги Фармон асосида стипендиялар миқдори тахсил олувчиларнинг имтиҳон сессиясида рейтинг бўйича тўплаган баллари ҳисобига белгиланади. Яъни, энг кўп, юқори ва ўрта балл тўплаганларнинг стипендиялари миқдори турлича бўлади.

Бундан ташқари, ўқув муассасаларида саф ҳисоби бўйича кичик бошлиқлар ва-

зифаларини бажараётган курсантларнинг стипендияларига кўшимча ҳақ ҳам тўланади. Буйруқда, шунингдек, ИИБ олий ўқув муассасалари магистратураларига ўқишга қабул қилинганларнинг амал маоши ҳам белгилаб берилган.

– Маълумки, ИИБ тизимида хўжалик ҳисобидида фаолият юритадиган ишлаб чиқариш муассасалари ва ташкилотлар мавжуд. Уларга Фармон ва буйруқ қандай таътиб этилади?

– Бозор иқтисоди шароити ҳар бир раҳбардан маълум даражада иқтисодчи, тадбиркор, тежамкор бўлишни талаб этади. Буйруқларнинг тегишли бандларида бундай ташкилот ва муассасалар ходимларининг иш ҳақлари ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш ҳисобига кўпайтирилиши лозимлиги кўрсатилган.

– Муддатли ҳарбий хизматчилар оладиган пул миқдори ҳам ошадими?

– Иш ҳақининг энг кам миқдори 4535 сўм бўлишидан келиб чиқиб бу тўловлар ошади. Шунингдек, муддат-

ли ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматдан бўшатилаётганда бир марта бериладиган тўлов миқдори ҳам оширилади.

– Ички ишлар идоралари оддий ва бошлиқлар таркиби, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига бериладиган пенсияларни ошириш бўйича алоҳида буйруқ тайёрландими?

– Йўқ. Мазкур буйруқларнинг тегишли бандларида пенсияларни қайта ҳисоблаб чиқиш борасида ҳам тегишли кўрсатмалар берилган.

– Демак, ИИБ тизимидаги барча ходимлар, пенсионерлар август ойидан бошлаб иш ҳақларини, пенсияларини ўз вақтида, одатдагидан 1,15 баравар кўп миқдорда оладилар.

– Албатта. Буйруққа республика Ички ишлар вазири имзо чеқдилар. ИИБ тизимида буйруқ нусхалари ижро этиш учун юборилди. Умуман, шу пайтгача ИИБ тизимида Президентимизнинг бу борадаги барча Фармонларини ўз вақтида бажаришга эришиб келяпмиз.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат! Суҳбатдош Б. ТОШЕВ.

Таҳлил

Ҳар бир нашр, у қайси муассисга тегишли ва қандай шакл-шамойилга эга бўлмасин, жамият ривожига муҳим ўрин тутиши маълум. Айниқса, ҳозирда у бозор иқтисодиёти механизмининг энг керакли “мурвати”га айланди, десак муболага бўлмайди. Ўткир сўзи, теран фикри, танқидий чиқишлари ва тезкорлиги билан муштарийлар қалбидан жой олаётган газеталарнинг обрў-этибори тобора ортиб бораёпти.

Айни пайтда барча соҳалар каби ички ишлар идораларида ҳам ислохотлар бормоқда, қонунларимиз либераллашяпти. Юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, фуқаролар муҳофазасини таъминлаш, аҳоли ҳуқуқий билимини ошириш учун бор имкониятлар ишга солинаяпти. Бир сўз билан айтганда, ўзбек милицияси ҳаётида улкан ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бермоқда. Шундай даврда фуқаролар, ички ишлар ходимларидан тахририятга келаётган ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш, уларда ўртага ташланган у ёки бу масалага одилона ёндошишга етарли аҳамият берилаяптими?

“Постда” газетасига биргина шу йилнинг олти ойи мобайнида қирқдан ортиқ турли мазмундаги ариза ва шикоятлар келганини айтиб ўтиш зарур. Шулардан лозим топилганлари газета саҳифаларида ёритилди. 16 та шикоят хати мутасадди идоралар эътиборига ҳавола этилиб, бу жойлардан жавоб олинди. Аксарият жавобларда ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаб бизга мурожаат қилган фуқароларга газетанинг ёрдами текканлиги кўриниб турибди.

Бекободлик фуқаро Д. Расулова Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармасида ишлаётган ўғли, милиция кичик сержанти Рамиз Акрамов ойлук маошини вақтида ололмаётганлиги ҳақида арз қилган эди. Шикоят хати вилоят ИИБ раҳбарияти эътиборига ҳавола этилди. Бошқарма бошлиғининг муовини, милиция подполковниги Ф. Тангибоев имзоси остида олинган жавоб хатида айтилишича, аризада кўрсатилган ҳолатлар юзасидан хизмат текшируви ўтказилиб, Р. Акрамовга меҳнат ҳақи тўлиқ ундириб берилган.

ГАЗЕТА ФУҚАРОНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИМИ?

ёки тахририятга келаётган ариза ва шикоятларнинг тақдирини ҳақида

Бекобод туманидаги “Далварзин” пахта тозалаш заводини кўриқлаётган саккиз нафар милиция ходими ҳам қорхона билан шартнома тузилган бўлишига қарамай маошларини ўз вақтида ололмаётганлари ҳақида шикоят қилишган эди. Ушбу шикоят хати бўйича Тошкент вилояти ИИБ бошлиғининг муовини, милиция подполковниги У. Абдуллаевдан жавоб хати олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

“Ариза Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармаси ва Бекобод шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими раҳбарияти томонидан афроғлича ўрганиб чиқилди. Ҳозирги вақтда хатда кўрсатилган 8 нафар ходимга Бекобод шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими ҳисобидан меҳнат ҳақи тўланди. Бекобод туманидаги “Далварзин” пахта тозалаш заводининг ҳақдорлик қарзларини ундириш масаласи Тошкент вилояти хўжалик судига берилди”.

Денов шаҳри, Ш. Рашидов кўчасида яшовчи Роҳила Мамасидикова тахририятга хат йўллаб, ўғирланган тилла тақинчоқларининг қайтарилишида айрим милиция ходимлари эътиборсизлик қилишаётганини маълум қилган эди. Унинг аризаси бўйича Денов тумани ИИБ ТБ терговчиси, милиция капитани С. Рўзиевга нисбатан вилоят ИИБ тергов бошқармаси томонидан хизмат текшируви ўтказилган. Унга содир этил-

ган ўғирлик бўйича жиноят ишини тергов қилишда йўл қўйган хато ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган. С. Рўзиевнинг тергов тизимида ишлаётганига кўп вақт бўлмагани эътиборга олиниб, хатти-ҳаракатларини муҳофама қилиш учун хизмат текшируви хулосасининг нусхаси туман ИИБ ўрта ва катта бошлиқлар

ри ва маҳалла-кўй тинчлигини бузган зўравон С. Мирзаев бизга етказган моддий ва маънавий зарар учун кечирим сўрасин!”

Хўш, фуқаро А. Ибрагимовнинг шикоят хати бўйича Андижон вилояти ИИБдан олинган жавобда шу талаб бажарилдими? Ундаги сатрларни келтирамиз:

таркиби “Одоб, ахлоқ ва интизом суди”га юборилган. Бу ҳақда вилоят ИИБ ТБ бошлиғи вазибаларини бажарувчи, милиция подполковниги А. Қобилоннинг 2002 йил 12 июнь кунини тахририятга йўллаган мактубидан билиб олдик.

Ҳозирда матбуот ҳақли равишда “тўртинчи ҳокимият” дея эътироф этилаяпти. “Постда” газетаси Ички ишлар вазирлигининг нашри. Шундай экан вазирилик тизимидаги ички ишлар идоралари ва бўлинмалари тахририят томонидан йўлланган ариза ва шикоятларни Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни асосида, белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқишлари талаб этилади. Аммо айрим идораларнинг масъул раҳбарлари тахририятни тинчлантириш учунгина, номига жавоб йўллашаётганини қандай тушуниш мумкин?

Андижон вилояти ИИБ раҳбариятидан олинган жавоб хатини олиб кўрайлик. Андижон тумани “Чўмбоғиш” маҳалласида яшовчи Акмал Ибрагимовнинг ёзишича, тунда С. Мирзаев деган шахс маст ҳолда уйига келиб онаси ва акаси Хўшнуд Ибрагимовни ҳақоратлаб, мушт туширади. Онаси шифохонага ётқизилди. Андижон туман суди безорини жазолаш ўрнига акасига ҳам жарима солади. “Адолат тантана қилишни хоҳлайман, – деб ёзади муаллиф. – Тунда хонадонимиз аъзола-

... Чўмбоғиш маҳалласида яшовчи Акмал Ибрагимовнинг ИИБ Бирлашган тахририятга ёзган аризаси бошқарманинг масъул ходими томонидан афроғлича текширилди. Аризада келтирилган ҳолатлар қисман ўз тасдиғини топди...”. Хўш, ариза қайси ходим томонидан қай тариқа текширилган? Қайси ҳолат ўз тасдиғини топгани мавҳум, текширув хулосаси ҳам йўқ. Жавоб хати қуйидагича давом этади: “...Аризачи А. Ибрагимовнинг акаси Х. Ибрагимов ва С. Мирзаевларнинг бир-бирларига етказган тан жароҳати бўйича ҳолат қонуний ҳужжатлаштирилиб, тўплаган ҳужжатлар Андижон тумани жиноий ишлар бўйича судига тақдим этилган ва уларнинг хатти-ҳаракатлари суд томонидан... кўрилиб Х. Ибрагимов ҳамда С. Мирзаевлар маъмурий жавобгарликка тортилган”. Ана холос. Ахир фуқаро А. Ибрагимов суднинг айнан ана шу ҳукмидан норози бўлиб, ариза йўллаган эди-ку. Уни яна қайтариш ўрнига милиция ходимлари томонидан судга тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини текшириш лозим эмасмиди?!

Қашқадарё вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармасига қарашли Муборак тумани МГКИКнинг ёнғиндан кўриқловчи 2-ҲЕХК ходимларидан бир гуруҳи 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун “Постда” газетасига обуна бўлиб, уни вақтида ололмаётганлиги

ҳамда ойлик иш ҳақларини олти ойлаб кечикиб олишаётганини ёзиб юборишган эди. Ёнғин хавфсизлиги бошқармасидан олинган жавоб хатида “Постда” газетаси обунаси бўйича фикр билдирилган, аммо ходимлар иш ҳақларини нега кечикиб олишаётгани хусусида лом-мим дейилмаган.

Тахририят мурожаатига эътиборсизлик Галлаорол тумани “Бойқўнғир ота” фермер хўжалиги раиси Б. Қувондиқовнинг аризаси бўйича Жиззах вилояти ИИБдан олинган жавоб хатида ҳам яққол сезилади. У шунчаки расмиятчилик учун ёзиб юборилганини бошқармадаги шу ишга масъул ходимлар ҳам инкор этишмас керак.

Ўрни келганда шунинг ҳам айтиш жоизки, айрим фуқароларимиз суд, тергов ёки бошқа идорада ўзларини қизиқтирган масала тўлиқ ҳал этилмай туриб тахририятга шикоят йўллашади. Натижада биз ҳам ўша идорага мурожаат этишимизга тўғри келади. Бу эса қанча вақт беҳуда сарфланиши, оворагарчиликлар, энг ачинарлиси, хат муаллифининг ортиқча асабийлашишига олиб келади.

Яна бир тоифадаги аризалар борки, улар кўриб чиқиш учун жойларга юборилганда “аноним” эканлиги маълум бўлиб қолмоқда. Бундай мурожаатлар кўриб чиқилмаслиги кўпчиликка аён бўлиши керак. Шу боис айрим фуқароларимизга беҳуда вақт сарфламасликни маслаҳат берамиз.

Ҳар бир хат ортида инсон бор. Шундай экан ариза ва шикоятларни афроғлича ўрганиб чиқиб, уларга ҳолисона баҳо бериш, муаллиф талабини амалдаги қонунлар доирасида қондириш маҳаллий ҳокимликлар, ўз-ўзини бошқариш органлари, ички ишлар, суд, прокуратура ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарларининг бурчи, жонажон вазибаларидир. Фуқароларнинг мурожаатига эътибор берилган жойдагина ишда олдинга силжиш, ривожланиш бўлишини асло унутмаслик зарур.

ХАТЛАР бўлими.

ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК!

Фахрийлар ташкилотлари вакилларининг
Ўзбекистон Республикаси ИИБ тизимидаги ички ишлар идоралари
ва бўлинмалари фахрийлари ҳамда ёш ходимларига

МУРОЖААТИ

Азиз фахрийлар!

Ҳурматли касбдошлар!

Мустақил давлатимиз буюк келажак сари дадил бормоқда. Жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳаётга изчиллик билан жорий этиляпти.

Озод ва обод Ватан қуриш, келажакимиз учун муносиб ворислар тайёрлаш, нондек азиз, бебаҳо бойлигимиз — тинчлик ва осойишталикни асраш ўз-ўзидан бўлмаслиги, бунинг учун шу юртнинг ҳар бир фуқароси, ёшу кекса виждонан ҳисса қўшиши лозимлигини яхши англаймиз.

Айримларимиз иккинчи жаҳон урушининг мудҳиш кунларини бошимиздан кечирганмиз ёки фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, ғалабага ўз улушимизни қўшганмиз. Орамизда Афғонистон заминидаги ножойиз урушда қатнашганлар ҳам бор.

Мамлакатимизда диний-экстремистик оқимлар, жумладан ваҳҳобийлар, ҳизбут-таҳрир оқимларига мансуб шахслар томонидан Фарғона, Ўш, Наманган, Паркент, Бўка шаҳарлари ва бошқа айрим ҳудудларда рўй берган оммавий тартибсизликларни бартараф этишда қатнашиб, тинчликни таъминлаш учун кўплаб жасур ходимлар қурбон бўлгани барчамизга аён. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра фидойилик кўрсатган кўплаб ана шундай инсонлар ҳукуматнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди. Уларнинг жасорати ва мардлиги қалбимизда абадий яшайди ва ёшларга ўрнак бўлиб қолади.

Биз террорчилик ҳаракатларига қаршимиз ва унинг ҳар қандай кўринишини қоралаймиз. Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига “Терроризмга қарши курашда бирдам бўлайлик!” деб номланган Мурожаатида кўнглимиздаги барча гаплар ўрин олган ва уни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 2002 йил Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилинди. Бу билан эришаётган ютуқларимизда кексаларимиз,

мўтабар зотларнинг беқиёс хизмати борлиги, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилиш барчанинг бурчи эканлигига яна бир бор эътибор қаратилди.

Халқимиз “қариси бор уйнинг париси бор”, дейди. Ҳақиқатан ҳам, қайси ерда ёши улуг инсонлар, ота-хону онахонларга эътибор қаратилса ўша жойдан файзу барака аримайди.

Жамият ривожига муносиб ҳисса қўйиши, соғлом авлодни тарбиялаш, бой касбий ва ҳаётий тажрибалар, эзгу анъаналар ҳамда миллий қадриятлар қарор топишида кексалар фаол иштирок этишини таъминлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Қарияларни эъзозлаш, ҳурмат-эътибор кўрсатиш, уларга самимий муносабатда бўлишдек азалдан ҳукм суриб келётган анъанани ёш ходимлар онгига сингдириш ҳамда эътиқодига айлантиришда фахрийлар ўрни беқиёс эканлигини унутмаслик зарур.

Милиция ходими ҳақида гап кетганда халқимиз кўз олдида энг аввало қонун ҳимоячиси гавдаланади. Шундай экан, ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ҳар бир ходим ҳалол, камтар, адолатли, ўз вазифасига масъулият билан ёндашиб, Ватани, Қасамёди ва касб одобномасига садоқатли, мард, жасур, юксак маънавиятли, маърифатли ва фидойи бўлмоғи керак.

Ушбу фазилатлар ҳамма учун ҳаводек зарур. Афсуски, ходимларимиз орасида шарафли номга доғ туширувчи хатти-ҳаракатлар қилувчи, жиноятларни ҳисобдан яшириш, мансаб ваколатидан четга чиқиш ва хизмат интизомини бузиш каби ҳолатларга йўл қўяётганлари ҳам учраб турибди.

Шуни унутмаслик лозимки, интизом ва қонунбузарликларга йўл қўяётган ходим ўзимизнинг фарзандимиз, қариндош-уруғимиз ёки маҳалладошимиз. Демак у беғона эмас. Бундай ҳолатларни кўриб, ўзимизни кўрмасликка олиш, эшитиб эшитмаганга солиш, яъни бефарқ бўлишимиз ярамайди. Бу билан эгнимиздаги хизмат кийими ва касбимиз туфайли тонган

обрў-эътиборимизга путур етганганини билишимиз ва чуқур англашимиз керак.

Ҳозирги кунда ички ишлар идораларидан нафақага чиққан кўплаб фахрийларимиз маҳалла ва фуқаролар йиғини раислари ёки маҳалла посбонлари сифатида фаолият кўрсатмоқдалар. Сафларимизда олий ва ўрта махсус маълумотли, бой ҳаётий тажрибага эга, ишлаб чарчамайдиган фахрийлар кўпчилигини ташкил қилади. Улар томонидан амалга оширилаётган самарали ишлар мақтовга сазовордир.

Ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислохотлар туфайли ходимларимиз аҳолига янада яқинлашиб, улар билан ҳамкорликда фаолият юритиши натижасида кўплаб шаҳар ва туманларда вазият барқарорлашиб, фуқароларнинг чин кўнгилдан билдирилган миннатдорчилигига сазовор бўлаяпти.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ички ишлар идораларининг қуйи бўғини — милиция таянч пунктларини аҳоли зич ҳудудларда барпо этиш, уларни жонкуяр профилактика инспекторлари билан жамлашга алоҳида аҳамият бериш кераклиги ҳақида кўрсатма берган эдилар. Ушбу кўрсатмага амал қилган фахрийларимиз айни пайтда таянч пунктларида амалга оширилаётган зарурий чора-тадбирларнинг фаол иштирокчилари бўлиб қолишади.

Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ б-сессияси кун тартибига қўйилган қонунларимизнинг инсонпарвар ва адолатли бўлиши, жинсий жазоларнинг либераллаштирилиши билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари билан ҳамкорликда фаол иштирок этайлик. Ҳибсдан озод қилинган шахсларни иш билан таъминлаш, улар такроран жиноят содир қилишига йўл қўймасликка асосий эътиборни қаратайлик.

Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида кексалар қадрланаётган ва уларга берилаётган эътиборни чуқур англаган ҳолда “Кек-

салик — бекорчилик эмас” шиори остида ҳаракат қилиб, жиноятларнинг олдини олиш, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва террорчилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик учун бор куч-ғайратимизни ишга солайлик.

Бу вазифаларга жамоатчилик, маҳалла ва чегара посбонлари, ўзини ўзи бошқариш органларини жалб қилиш, улар билан ҳамкорликни кучайтириш борасида белгиланган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишда намуна бўлайлик.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги фахрийлари яшаш жойларида осойишталикни таъминлаш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги экинлари нобуд бўлишига йўл қўймаслик, олинаётган ҳосилни сақлаб қолишда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Биз бу ҳаракатни қўллаб-қувватлаймиз ва ҳамкорликдаги чора-тадбирларни доимий амалга оширишга тайёрмиз.

Улуг ёшдаги кишилар доимо ҳурмат-эътиборга ташна бўлиб яшайдилар. Уларни ўз атрофимизга бирлаштириб, миннатдорчиликларига сазовор бўлайлик. Кексаларимизнинг кўп йиллик бенуқсон иш тажрибаси ва имкониятларидан осойишталикни таъминлаш, жиноят қилишга мойил шахсларни аниқлаб, чора кўришда тўлиқ фойдаланайлик.

Ҳурматли ҳамкасблар! Сизларни мустақил республикаимиз келажак, фуқароларимиз унумли меҳнат қилиб, осойишта яшаши, дам олиши учун ўзимизда юксак инсоний фазилатларни муҳим жасам этиб, меҳнаткаш халқимизга астойдил хизмат қилишга чақирамиз.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, танлаган йўлимиздан бориб, ниятларимиз амалга ошишида буюк аждодларимизнинг руҳи ҳамиша ёр, Яратганнинг ўзи мадакдор бўлсин!

Барчангизни тинчлик деган буюк неъмат нақадар қимматли эканлигини англаган ҳолда, ақл-заковат ва куч-қувват билан хайрли ва эзгу ишларга бош қўйишга даъват этамиз.

Мурожаат ИИБ фахрийлар ташкилотлари вакилларининг йиғилишида қабул қилинган.

Мақсад жазолаш эмас, тарбиялаш

ПАНЖАРА ОРТИДАГИ ҲАЁТ

“Хар бир бола... фавқуллодда ҳолатларда... оиласидан жудо бўлганда ёхуд оиласидан ташқарида яшганда алоҳида ҳимоя ҳуқуқига эга”.

БМТнинг “ЮНИСЕФ” болалар жамғармаси томонидан 1989 йилда қабул қилинган “Боланинг ҳуқуқлари бўйича” Конвенциясидан.

... Мустаҳкам темир дарвозалар, эшиклар ортида ҳаёт давом этмоқда. Мўъжазгина ҳовлида атиргуллар қийғос очилган. Бу гулзор ва ҳовли республика ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармасининг Тарбия муассасасига қарашлидир.

Оппоқ халати ўзига ярашган жувонни: “Даво-ловчи шифокор, ички

дий ёки касбига доир китобларни қидираётган ўсмирлар билимдон, касб-ҳунарли бўлишда ОЗОДЛИКдаги тенгқурларидан ортда қолмасликка интилади.

23-касб-ҳунар мактабининг жонқуяр жамоаси муассасадagi болалар умумий ўрта маълумот олиш билан бирга касб-ҳунар ўрганиши учун бор

— Болалар масъулиятни чуқур ҳис қиладилар. Улар буюртма бўйича чойшаб, ёстиқ жилдлари, сочиқ кабиларни тикадилар. Тайёрлаган маҳсулотларнинг сони, сифатига қараб иш ҳақи тўланади, — деди ишлаб чиқариш катта устаси, ички хизмат капитани Наима Умарова.

Ёш чилангарлар, электр пайвандчилар ҳам буюртма бўйича ишлайдилар. Болаларга тўланадиган пул махсус ҳисоб рақамига ўтказилади. Ойда икки марта ана шу маблағ ҳисобидан муассасадagi дўкандан ўзлари-

англашига кўмаклашани миз.

Муассасада тарбияланаётганларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва дам олишида бирор бир камчилик кўрмадик. Уч маҳал иссиқ овқат, спорт майдонида футбол, волейбол каби ўйинларни ўйнаш мумкин. Хоҳласанг уйинга, ота-онангга хат ёз, хоҳласанг бадий ёки техник адабиётлардан ўқиб, ўз билимингни ошир. Истасанг марҳамат, истеъфодаги майор Н. Абросимов раҳбарлигидаги музика оркестрига аъзо бўл... Бу ерда ҳамма нарса етарли, фақат...

... — Ўшанда биринчи стипендияни олгандим, — дейди юзига сепкил тошган, кўм-кўк кўзлари маънос боқувчи, урганчлик ўн тўққиз ёшли Х. Александр. — Ота-онам ажралишган. Отам кўп ичарди. Ажрашганларидан кейин бувам ёлғиз қолди ва мени “бирга яшаймиз” деб олиб кетди. Бувам ҳам кўп ичарди.

Билим юртига ўқишга кирдим. Биринчи бор стипендия олдим ва ўша кун кечирилмас жиноятга қўл урдим... Бу ерда касб ўргандим. Ўқиб, дипломли бўлдим. Озодликни қанчалик азизлигини англаб етдим...

Андижонлик Қ. Акмал (оилада беш фарзанд-

га зарур буюмларни сотиб оладилар. Ишлаб топган пулларида ота-оналарига юборадиганлар ҳам бор. Жазо муддати тугаб, кетаётганларида жамғарилган пуллар ўзларига берилади.

Болаларга бир йилда 6 марта қисқа, 4 марта узок муддатли учрашувлар берилади. Намунали ўсмирларга қўшимча учрашувлар тақдим этилади ёки шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатга олиб чиқилади.

— Ўсмирга қилмиши учун қонуний жазо берилиб, жамиятдан вақтинча ажратилишининг ўзи улар руҳиятига таъсир қилади, — деди муассаса бошлиғи. — Биз, ўз эътиборимиз билан унинг келажак, одамлар ва жамиятга кераклиги, айбини меҳнати билан ювиши лозимлигини

хизмат майори Динора Ваҳобова”, — деб таништирди муассаса бошлиғи, ички хизмат подполковниги Исроилжон Жумаев. Тиббиёт бўлимида ички хизмат катта сержанти А. Минулина, Б. Эшонқулов каби тиббий ходимлар тарбияланувчиларнинг саломатлиги учун жон қуйдириб, хизмат қилишяпти.

— Бўлимга мурожаат қилган хар бир болани дарҳол зарур текширувдан ўтказиб, ташҳис кўямиз ва даволаш чораларини кўрамиз. Доридармонлар етарли, — деди Д. Ваҳобова. — Ўзимизнинг санитария бўлинмаси бор. Беморлар кам...

Шундай озода, тартиб-интизомли жойда касаллик кам бўлиши табиий.

28-умумий ўрта таълим мактабида ҳозирда суд томонидан берилган қонуний жазо муддатини ўтаётган болалар таълим олишади. Тиконли симлар ортида бўлса-да, озодликдаги тенгқурлари қатори кенг ва ёруғ синф хоналари улар ихтиёрида. Бу ерда уларга Конституциямиз, ҳуқуқшунослик, миллий ғоя, одобнома бўйича ҳам сабоқ берилаяпти.

“Маърифат хонаси”да газета-журналларни ўқитган, кутубхонада ба-

имкониятларни ишга солмоқдалар. Синф хоналари чилангарлик, электр пайвандчилик, тикувчилик учун керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ўриндиқлар, столлар, доскаларни болаларнинг ўзлари туркум бошлиғи, ишлаб чиқариш таълими усталари бошчилигида таъмирлаб, янги ўқув йилига деярли тахт қилиб қўйганлар.

— Жазо муддатини ўташ учун келган бола ўз қизиқиши, иқтидорига қараб касб танлайди, — дейди касб-ҳунар мактаби директори Т. Азизов. — Уларга бир ой назарий билим берилгач, устахоналарда амалий таълим биргаликда олиб борилади...

Қатор-қатор тикув машиналари ёнида ўтириб, берилиб меҳнат қилаётган болалар бизнинг кириб келганимизни пайқашгани йўқ.



Янгийўллик И. Роман (ёлғиз онаси ва бувиси билан яшайди) ўғирлик қилиб қамалган.

— Бу ерда бизни биров уриб-сўкмайди, — деди у. — Лекин панжаралар ортида ўтирганимизнинг ўзи бир умр эсдан чиқмайдиган дард, ҳалол меҳнат қилиб, бу доғни меҳнат билан ювман...

Тарбиячи билимли, тажрибали бўлса, ҳар қандай феъл-атворли болани йўлга сола олади. Ҳозирда тарбияланувчилар ўтган йилларга нисбатан деярли уч марта кам. Бунинг сабаби қонунларимизнинг либераллашуви. Айнан шу омил маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, фуқароларимиз зиммаларига катта масъулият юклади. Улар

онги тўлиқ шаклланмаганини инобатга олсак, жиноятга қўл уришларида, катталарнинг ҳам айби борлиги ойдинлашади, — деди муассаса бошлиғи.

ИИВ ЖИЭББ бўлим бошлиғи Қ. Нарзиев муассаса бошлиғининг фикрини қувватлаб тарбияланувчиларга берилаётган ҳуқуқий билим, таълим-тарбия қатори айрим ташкилотлар томонидан берилаётган хайрия ёрдами-ни айтиб ўтди.

Ҳа, тақдир ҳукми биланми, катталарнинг айби биланми панжара ортига тушиб, жазо муддатини ўтаётган бу ўсмирлар бегона эмас, ўз фарзандларимиз. Муассасадан озод бўлиб, тўғри ҳаёт йўлига қадам қўйишганда уларга эътиборли бўли-



нинг кенжаси) ҳам Александрнинг тенгдоши. Айтишича, ўртоқлари ўғирлаган буюмни машинасида олиб кетган. Пушаймонлигининг чеки йўқ. “Касб-ҳунар ўргандим, аълочиман, мақтов ёрлиқлари олдим, лекин шуларга озодликда, ота-онам бағрида эга бўлишим мумкин эди-ку? — деди у кўзларига ёш олиб. — Ўзим айбдорман. Енгил-таклик қилдим”.

буни англаб етишса, ишонаманки вояга етмаганлар жиноятчилиги кескин камаяди.

Тарбияланувчиларнинг ота-оналаридан тузилган ота-оналар кўмитаси, туман ҳокимлигининг раҳбарияти муассасада ўтказиладиган хар бир тадбирга бош-қош бўлишяпти. Болалар ўзларига нисбатан эътиборни чуқур ҳис қилмоқдалар.

— Уларнинг ҳали ҳуқуқий билими кам,

шимиз эса бу инсонларнинг эзгулик сари одимлашига туртки бўлиши аниқ.

— Бугун ётоқхонадаги битта ўрин бўшади. Бир ўсмир озодликка чиқди. Унинг келгуси ҳаётига ҳаммамиз масъул эканлигимизни унутмайлик...

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Суратларда: муассаса тарбияланувчилари ҳаётидан лавҳалар.

Р. ШОМАНСУРОВ
олган суратлар.

UCHINCHI «Посиња» gazetasi ning ilovasi

+ TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI



АРВОҲГА ИШОНСАНГИЗ

УНИ КЎРАР ЭКАНСИЗ...

Тунги алламаҳал. Альбукерк кўчаларидан биридаги аллақачон бекилиб бўлган қовоқхона олдида ўттиз чоғлик киши тўпланган. Улар қовоқхона деразаларига қараб: “Хайрли тун, Сара!” дея қичқиришади. Аммо ҳеч қандай жавоб бўлмайди. Булар томошаталаб, мўъжизаларга ўч сайёҳлар бўлиб, шу ерни макон этган арвоҳга мурожаат қилишарди.

Альбукерк кўчаларида бундай манзарани тез-тез учратиш мумкин. Эски шаҳар деб номланувчи ушбу ҳудудда сайёҳлар арвоҳлар яшайдиган жойларни бориб кўришлари учун махсус саёҳатлар уюштирилиб турилади. Сайрлар одатда кечки соат 20.30 ларда Олд Таун майдонида бошланиб, ярим тунга бориб тугайди. Кўпинча сайёҳлик фирмасининг эгаларидан бири Бак Маккомбзнинг ўзи бундай тунги сайрларда гид вазифасини бажаради. У одатда ҳангомани Эски шаҳар биноларида яшовчи кўпсонли маҳаллий арвоҳлар ҳақидаги ҳикоясидан бошлайди.

Маҳаллий “Ла Пасиња” ва “Мария Тереза” қаҳвахоналарини ўзларига макон қилган кўринмас мавжудотлар кўпинча стулларни столлардан нари суришади, қадаҳларни синдиришади. Кафеларда ҳамisha мижозлар гавжум бўлади. Чунки уларни нафақат чилигази, балки стулларнинг ўз-ўзидан силжишини томоша қилиш

иштиёқи ҳам жалб этади. Ҳар бир стол атрофида биттадан бўш стул... арвоҳ учун қолдирилади!

Бак Маккомбз арвоҳ овловчилар Жанубий-Ғарбий уюшмасининг фаол аъзоларидан. Уюшма аъзолари неча йиллардан буён Эски шаҳар ҳудудида юз берадиган ғаройиб ҳодисаларни ўрганиш билан шуғулланиб келишяпти. Улар тадқиқот жараёнида ўта сезгир диктофонлардан, қоронғуликда ҳам суратга олишга қодир инфрақизил нурли видеокамералардан ҳамда юқори даражада сезгир электромагнит детекторлардан фойдаланадилар.

Маккомбз арвоҳлар ҳақида кўплаб воқеа-ҳодисаларни мароқ билан ҳикоя қилади. Ўзи ҳам уларнинг чиндан борлигига ишонади. Бакнинг фикрича, арвоҳлар ҳали бизга номаълум табиий қувватларнинг кўз илғамас майдонлари тарзида намоён бўлиши мумкин. Аммо улар баъзан одам шаклида ҳам кўринар эмишлар, то

кўз ўнгингизда деворга сингиб ғойиб бўлишмагунча қаршингизда арвоҳ турганлигини пайқамас экансиз.

Шаҳардаги қадимий уйлардан бирида ХХ аср бошларида тамаки маҳсулотлари дўкони бўларди. Эндиликда бино ўйин автоматлари залига айлантирилган. Баъзан залда эски русумдаги кийимда, оғзига трубка қистириб олган киши пайдо бўлади. У ўша тамаки дўкони эгасининг арвоҳи. Залга ташриф бурганлар ҳам, маҳаллий аҳоли ҳам арвоҳ ҳеч қандай ноҳўя хатти-ҳаракат қилмаслигини билишади, ундан қўрқишмайди. Фақат ягона қоида бор — бир пайтлар шу ерда сотилган тамакини мақташ керак. Мақтов сўзларни эшитиб арвоҳ бош лиқиллатади. У худди ҳавога сингиб кетгандек кутилмаганда ғойиб бўлади.

Маккомбз арвоҳ овловчига айланиши тарихини ҳикоя қилиб беришни севади. У Техасда эски ёғоч уйларида яшаганида бирор киши мусиқали қутича-

Кўпқаватли уйларнинг бирида истиқомат қилувчилар бинонинг собиқ эгасининг руҳи улар билан бирга яшашини тасдиқлади. Арвоҳ одатда ўки бу оила аъзолари билан бирга овқатлангани стол атрофида ўтирар экан. Стул бўш бўлса ҳам, аммо арвоҳнинг акси ойнада кўринаркан. Бу уйда яшовчилар уюшма аъзоларига ўз хонадонларида тадқиқот ўтказишлари учун розилик

фойдаланишди. Текширишлар чоғида бир нечта “ҳароратли” доғлар топилди, уларнинг баъзилари эшик олдида жойлашган эди. Бундай қувват йиғиндилари овқатланиладиган стол атрофида кўпроқ айланишарди. Аммо арвоҳ овловчилар ўз кўзлари билан на арвоҳларни ва на уларнинг кўзгудаги аксини кўришди.

Одамлар арвоҳларга бўлган муносабатига кўра икки тоифага бўлинадилар: сўзсиз ишонувчилар ва шубҳа билан қаровчилар. Уюшма аъзолари шахсан ўзлари арвоҳларни бир неча бор кўрганликларини таъкидлашади. Ишонувчиларнинг асосий далили — оқ кийинган аёл пол устида учётгани акс этган фотосуратдир. Рақамли фотоаппаратда Эски шаҳардаги уйлардан бирида олинган бу сурат ғайриоддий ҳодисаларга бағишланган бир неча нашрларда чоп этилди. Арвоҳларни кўрмаганликларидан шикоят қилувчи сайёҳларга уюшма аъзолари “арвоҳлар уларга ишоннадиган кишиларгагина кўринадилар”, — деб жавоб беришади.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.



ни очса, момосининг арвоҳи пайдо бўларкан. Арвоҳ бир пайтлар ўзига тегишли бўлган қутича ёнида ўтириб мусиқа эшитаркан.

Маккомбз Альбукеркда Коди Полстен бошчилик қиладиган арвоҳ овловчилар Жанубий-Ғарбий уюшмаси борлигини эшитиб 1999 йилда шу шаҳарга кўчиб келди. Бу ерда кўплаб ўз маслакдошларини учратди. Полстен ва Маккомбз ҳамкорликда сайёҳлик фирмаси очишди. Уларнинг бизнеси гуллаб-яшнаяпти. Ишбилармонлар нафақат штатларда, балки Мексикада яшовчи, арвоҳларни кўришни истовчи сайёҳларни бу жойларга олиб келишяпти. Бак “Арвоҳлар мавжудлигига ишонмайдиган одамларни кўрсам кайфиятим бузилади”, — дейди. Сайёҳлардан бири сайр пайти нариги дунё вакиллари борлигини тасдиқловчи бирорта ҳам аломатни учратмагани учун тўлаган пулини қайтариб беришларини талаб қилган ҳолат ҳам бўлган.



Тура олам



МАРОКАШДА ШОҲОНА ТҮЙ

Марокаш халқи тарихий воқеани нишонлади. Биринчи бор ушбу Шимолий Африкада жойлашган давлатда қирол Муҳаммад ва унинг 24 ёшли гўзал қайлиги Лалла Сальма Беннани ўртасидаги никоҳ маросими очик ўтказилди. Бу кунгача анъанга кўра ҳеч ким ҳатто қироличанинг исмини ҳам билмас эди. Тантаналар 12 июль куни кечки пайт бошланди. Марокашнинг пойтахти кўчалари гуллар, байроқлар ва қиролнинг расмлари билан безатилди. Тўй маросими ва мушакбозлик бўлаётган кўчаларда отликлар соқчилик қилди. Намойиш шанба куни қирол қасри деворлари остида давом эттирилди. Қирол байрам тантаналарини 1500 нафар меҳмонлари билан бирга томоша қилди. Улар орасида АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон ва унинг қизи Челси ҳам бор. Қироличани залга катта замбилда кўтариб киришди ва меҳмонларга таништиришди. Махсус таклиф қилинган 200 нафар бошқа келин-куёв ҳам қирол билан бирга никоҳдан ўтишди.

ТРАВОЛТА ЕР ЮЗИНИ АЙЛАНИБ ЧИҚАДИ

Америкалик актёр Жон Траволта ўз самолётида ер юзини айланиб чиқмоқчи. У Лос-Анжелес аэропортида ўтказган матбуот анжуманида шу ҳақда эълон қилди. Камералар олдида учувчиларнинг кўк кийимида Траволта шахсий Boeing 707 самолёти кабинасига ўтирди. Унинг лайнерига Qantas Airlines Австралия авиакомпанияси белгилари туширилган. Траволта ушбу авиакомпаниянинг хизматларини реклама қилади.

Яқинда 48 ёшли актёр ушбу авиакомпанияда синовлардан ўтиб, Boeing 747-400 самолётларининг иккинчи учувчиси лавозимини олди. Бугунги кунда киноқаҳрамон учувчи си-

фатида АҚШдаги сентябрь воқеаларидан сўнг кўпчиликда қўрқув уйғотаётган учишларни тарғиб қилиш билан шуғулланмоқчи. «Ўша кунлардаги фалокатдан сўнг самолётда саёҳат қилишдан кўпчилик қўрқяпти. Бу фақат менигина эмас бошқаларни ҳам ўйлантirmoқда», — деб ҳисоблайди Траволта.

Унинг «Дўстлик руҳи» деб номланган турнеси 1 июлда бошланди. Жон оиласи билан Лос-Анжелес аэропортидан учиш чиқиб, Австралияга йўл олди. У саккиз мамлакатда бўлишни режалаштирган. Улар орасида Япония, Сингапур,



Германия, Италия ва Франция бор. 64700 километр узунликдаги авиатур августда Нью-Йоркда яқунланади.

ЛЬЮИС БРИТАНИЯ ИМПЕРИЯСИ ОРДЕНИ КОМАНДОРИ

Буккингем саройида Уэльс шахзадаси Чарльз машҳур боксчи Леннокс Льюисга Британия империяси Орденини топширди. Ўтган ойда америкалик Майк Тайсон устидан галаба қозонган боксчи Буюк Британияда спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун мукофотланувчилар рўйхатига йилнинг бошида қўшилган эди.

«Худо ва Империя учун» шiori остидаги Британия империяси Ордени 1917 йилда Британия қироли Георг V томонидан таъсис этилган. Аввалига у фақат Империя учун буюк хизмат кўрсатган ҳарбий хизматда турмаган фуқароларга берилган. Бироқ 1918 йилда орден ҳарбийларга ҳам берилди бошланди.

ЛЕННОКС ЛЬЮИС ТАЙСОН БИЛАН 30 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ЭВАЗИГАГИНА УЧРАШАДИ

Леннокс Льюис Майк Тайсон билан қайта жанг ўтказишга унга 30 миллион доллар тўлашагина рози бўлишини айтди. WBS ва IBF йўналишларида жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган аввалги жанг учун иккала иштирокчи 17,5 миллион доллардан олишган.

Льюис Тайсон билан яна бир бор жанг қилиш унга қизиқ эмаслигини эълон қилди. «Хамма Тайсонга ачинади, — дейди 25 ёшли чемпион. — Лекин барча гап телекомпанияларда. Агар улар менга 30 миллион доллар тўламас эканлар мен пенсияга чиқаман».

СУВГА ТУШГАН... СУПЕРМЕН

Россиянинг 13-очик кинофестивали «Кинотавр» ўзининг беҳосият рақамини оқлаши сал қолганда жуда қимматга тушарди. Маҳаллий «байрамга» таклиф қилинган биргина хорижий юлдуз денгизда чўкиб кетай деди.

Агар кинофестиваль пайтида Сочи устидан самолётда учиб ўтсангиз пастда пляжлар қаторида суви сарғимтир рангдаги жойни кўришингиз мумкин. Барча бу кир сув айнан «кинотаврликлар» жойлашган ернинг рўпарасида деб айтади.

Дам олиш вақтини россиялик юлдузларга ўхшаб ўтказган Дольф Лундгрэн аввалига шаҳарни яёв айланиб чиқди, сўнг сауна, массаж қабул қилди ва қирғоқда жойлашган «Дионис» ресторанига ташриф буюрди.

Биринчи кечадаёқ у атрофдагиларни ҳайрон қолдириб бўкиб ароқ ичди.


Швециялик суперменни соат учлардан ошгандагина ухлашга олиб кириб кетишди. Эрта саҳарлаб меҳмондорчиликдан бир оз ўзига келган Дольф югуришга чиқди. Лекин юлдузнинг рус ароғидан даҳшатга тушган жигари унинг бу фикрига тамомла қарши чиқди, шекилли. Шунинг учун ҳам у югуришни бас қилди ва чўмилишга йўл олди. Қирғоқ бўйида ечиниби ўзини кир сувга олди. Кечаги зиёфатдан хабари бор маҳаллий тансоқчи унинг орқасидан калла ташлади.

Айримлар отанг жаҳон чемпиони Собир Курбонов бўлгандан кейин, унинг изини босишинг керак-да, дейишади. Мен болалигимдан курашга қизиққанман. Боз устига дадам уйда машқ қилганларида яйраб кетардим, ёнларидан жилмасдим. Тенгқурларимни қақриб, ҳовлида кураш тушардик.

ИИВ Академиясига ўқишга кирганимдан кейин

спортнинг дзюдо, самбо тури бўйича шуғулланишимга катта имконият яратилди. Чунки бу олий ўқув юртида жисмоний тарбия, спорт ишлари анча тараққий этган. Устозларим — Фазлиддин ва Фахриддин Пўлатовлардан самбо курашининг сирларини ўргандим.

Бот-бот устозлардан, номдор спортчилардан Ўзбекистонда спорт мустақилликка эришилгандан кейин жадал ривожланди, эътибор кучайтирилди, деган гапларни эшитаман.

Айтиш мумкинки, юртимизда ҳар қандай спортчини муваффақият пиллапояларидан юқорилаб бориши учун имконият, эътибор, кўмак старли. Кейинги пайтда республикамиз спортчиларининг эришаётган ютуқлари фикримнинг исботидир. Буларнинг барчаси аввало мустақиллик шарофатидан, албатта.

Дадам гоҳида собиқ шўролар даврида ўзбекистонлик спортчиларга бўлган муносабатлар ҳақида гапириб, мамлакатнинг чекка жойларидаги спортчилар эътибордан қолиб кетарди, дейдилар. Улар самбо бўйича жаҳон чемпиони бўлганларида собиқ шўро давлатининг мадҳияси янграб, байроғи кўтарилган. Гарчи отам ўзбек халқининг вакили бўлсалар-да, Ўзбекистон ҳақида бир оғиз гап айтилмаган экан.

1995 йилда Болгария пойтахти София шаҳрида ўтган спортнинг самбо тури бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этдим. Йирик, ривожланган, спорт анча тараққий этган мамлакатларнинг вакиллари билан беллашиш учун гиламга чиққанимда мустақилликка эришганига кўп бўлмаган юртимизнинг шарафини ҳимоя қила оламимми, деган ҳаяжонда эдим. Судья кўлимни баланд кўтариб, ғолиб деб эълон қилганда кўз олдимга она юртимиз келди.

Кейинги йилларда спортнинг самбо тури бўйича жаҳон, қитъа чемпионатларида иштирок этдим. Курашда ғолиб чиққанимда мени залдаги 5-10 минг нафар томошабинларнинг олқиши эмас, шоҳсупада турганимда Ўзбекистон мадҳияси янграб, юртимиз байроғи кўтарилди қаттиқ ҳаяжонга солади. Айниқса, Ўзбекистон ҳурмати бажо келтирилиб, ҳамма оёққа турганда кўзимда ёш қалқийди.

Мустақилликдан гуруралишимнинг яна бир сабаби, ўзбек курашини бутун дунёдан олди. Энди дунё спортчилари, қизиқувчилар ўзбекча кураш билан шуғулланишарди. Миллий спортимиз бўйича жаҳон биринчиликлари ўтапти. Биринчи чемпионатда ғолиб бўлдим.

Ўзим хизмат қилаётган ИИВ Академиясида самбо, дзюдо, ўзбек кураши бўйича кўплаб спортчилар тайёр-



ланаяпти. Улар республика, жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашишарди. Курсанларимиздан Х. Хўжаев, Л. Латиповлар Осие чемпиони унвонига эга бўлишди. Бу йигитларга устозлик қилаётганимдан фахрланаман.

Ҳар гал мусобақаларга борганимда она юртимизнинг шарафини ҳимоя қилишдек улғу бахтга сазовор бўлганимдан ғурурланаман. Бишкек, Киев шаҳарларида ўтган полиция ва милиция ходимлари ўртасидаги жаҳон чемпионати, Кистова ва яқинда Урал шаҳрида ўтказилган самбо бўйича жаҳон Кубоги мусобақаларида шоҳсупанинг энг юқорисида ғолиб сифатида Ўзбекистон мадҳиясини эшитдим.

Истиқлол туфайли биз, спортчилар Ўзбекистон Республикаси номидан мусобақаларда иштирок этамиз. Мен ҳар гал гурурланиб гиламга тушаман.

Акобир ҚУРБОНОВ,
милиция капитани,
ўзбек кураши ва самбо бўйича
жаҳон чемпиони.

Миннатдорчилик

РАҲМАТ СИЗГА, НОЗИМЖОН!

Бозордан олган маҳсулотларимизни кўтарганча, ота-бола “Чорсу” метро бекатига тушиб келдик. Нафасимизни ростлаб-ростламай, поезд келди. Шоша-пиша вагонлардан бирига чиқиб олдик. “Беруний” бекатидан чиқиб борарканмиз, ўғлим:

— Дада, “Чорсу” бекатидида ўриндиқда сумка қолиб кетибди! — деди ҳаяжон билан.

Кимдир бошимдан қайноқ сув куйиб юборгандек бўлди. Турган жойимда қотиб қолдим. Чунки сумкада зарур ҳужжатлар билан бирга бир юз эллик минг сўм пул бор эди. Бир оз тургач:

— Кетдик! — дея уйга йўл олдик.

Фикру ҳаёлим сумкада. Бошимда минг хил ҳаёл. Уйга етиб боргач, нарсаларни қолдириб, таваккалга “Чорсу” бекатига қайтдим. Ўша, ўғлим билан бир оз нафас ростлаган ўриндиқнинг уёқ-буёғини кўздан кечириб, бекат навбатчисига “мабодо, шу ўриндиқда қолиб кетган сумкага кўзингиз тушмадими?” деб сўрадим. Навбатчи “Боя бир старшина сумкани олиб, милиция таянч пунктига кириб кетди”, — деди.

Шошилиб у ерга кирдим, стол устида турган сумкага кўзим тушди. Хурсанд бўлиб кетдим. Хонадаги милиционер йигитларга воқеани айтдим. Улар гапимни тинглаб:

— Мана шу йигит — Транспорт ички ишлар бошқармаси бўлинма сардори, милиция старшинаси Нозимжон Исмоилов сумкангизни топиб келди, — дейишди.

Тўғриси айтсам, мен сумкадан ҳам, унинг ичидаги ҳужжатлар, пулдан умидимни узгандим. Юртдошларим орасида Нозимжондек ҳалол-пок инсонлар борлигидан қанчалик фахрланганимни сўз билан ифода қила олмадим.

Раҳмат сизга, Нозимжон! Сизга тарбия берганларга тасанно! Умрингиз узоқ, танжонингиз соғ, ишларингизда омад ёр бўлаверсин!

М. МИРБОЛТАБОВ.
Тошкент шаҳри.

Осойишталик посбонлари

ШАҲАРЧАДА ҲАММАЁҚ ТИНЧ

... Шу йилнинг февраль ойи эди. Кўзон шаҳар Муқимий шаҳарчасидаги кўпқаватли уйларнинг бирида истиқомат қилувчи фуқаро Р. Мамадиева хонадонидан 3 дона гилам, 2 та палос, 1 дона "Горизонт" русумли телевизор, тилла узук, тақинчоқлар ва бошқа нарсалар номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилганлиги ҳақида милицияга ариза билан мурожаат қилди.

Кўп ўтмай милиция ходимлари ушбу жиноятнинг иссиқ изидан тушдилар. Олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари давомида шу шаҳарда яшовчи Б. У., А. Я., А. С.лар далилий ашёлар билан ушланиб, тергов бўлимига топширилди.

Мазкур жиноятни очишда профилактика инспектори, милиция лейтенанти Нўмонжон Эшонкулов, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича инспектор, милиция лейтенанти Олмосжон Содиқовлар фаол қатнашдилар.

Кўзон шаҳар ИИБ Муқимий шаҳарчаси фуқаролар йиғини ҳудудидаги милиция таянч пункти жамоаси фаолиятида шу каби мисолларни кўплаб учратиш мумкин. Бу ерда ўз ишининг усталари ва фидойилари бўлган ажойиб инсонлар хизмат қиладилар.

Мазкур фуқаролар йиғинида етти минг нафардан зиёд киши истиқомат қилади. Шаҳарчада бир неча йирик қурилиш ва ишлаб чиқариш корхоналари, 2 та тиббиёт маскани, ногирон болалар учун махсус боғча, қатор савдо шаҳобчалари мавжуд.

Шаҳарчадаги милиция таянч пунктига профилактика катта инспектори, милиция майори Субҳонкул Хўжамбердиев раҳбарлик қилади. Бу жой тезкор вазият оғир ҳудудлардан бўлиб, аҳолининг асосий қисми кўпқаватли уйларда яшайди. Улар орасида 40 нафарга яқин муқаддам судланганлар бор. Булардан маъмурий назорат остида турувчилар, спиртли ичимликлар ва гиёвандлик моддалари истеъмол қилишга ружу қўйганлар, диний-экстремистик оқимларга мойил кимсалар, маъмурий тартибда жазо олганлар, энгил табиатли аёллар ва бошқа тоифадаги кишилар билан доимий профилактик ишлар олиб бориляпти. Кўнма марказлари орқали уларга моддий ёрдам ажратилиб, ишга жойлаштириляпти.

Албатта, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга йўл қўймас-

ликда бевосита жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик ўз самарасини бериляпти. Бу ишларда шаҳарча фуқаролар йиғинининг раиси Муҳаммадамин Қўшмоқов, яраштириш комиссиясининг раиси Матлуба Шерматоваларнинг қўшаётган ҳиссаси катта бўляпти.

Милиция таянч пункти ҳар жиҳатдан кўркам жиҳозланган. Яқинда жамоага "Тисо" русумли автомашина ажратилди. Маҳалла посбонлари сардори Музаффаржон Сафаров раҳбарлигидаги 40 нафардан зиёд посбонлар ҳудудда осойишталикни сақлашда ҳамisha яқин кўмакдош бўлмоқдалар.

Шаҳар бўйича ўттиздан зиёд милиция таянч пунктлари фаолият кўрсатмоқда, – дейди биз билан суҳбатда Кўзон шаҳар ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция капитани Содиқжон Дадабоев. – Лекин ушбу таянч пункти ва унинг жамоаси улар ўртасида алоҳида ўринга эга. Шуниси диққатга сазоворки, содир этилган жиноятларнинг аксарияти бу ердаги малакали мутахассислар, ўз ишининг усталари саъй-ҳаракати билан очилмоқда. Бу ҳудудда жиноят бевосита шу жойнинг ўзида фош этилади. Масалан, ўтган йилнинг 6 ойида содир этилган 20 та жиноятдан 17 таси, жорий йилнинг шу даврида эса рўй берган 21 та жиноятдан 20 таси тез фурсатларда очилди.

Суҳбатимиз давомида профилактика инспектори, милиция лейтенанти Нўмонжон Эшонкуловнинг фаолияти билан яқиндан танишдик. У Кўзон автомобиль йўллари техникумини битирган. Сўнг 2520-автожамланмада ҳайдовчи бўлиб ишлаган. 1990 йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилади. Дастлаб Давлат автомобиль назорати бўлимида йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори, сўнг бўлинмада милиционер бўлиб ишлади. 2001 йилнинг августидан Муқимий шаҳарчасида профилактика инспектори вазифасини адо этиб келмоқда.

Н. Эшонкуловнинг ҳар жиҳатдан намунали ва фаол милиция ходими бўлиб етишишида устозлари –

мархум милиция подполковниги Мақсудали Хусанбоев ва шаҳар ИИБ ҲООБ бошлиғи, милиция капитани Содиқжон Дадабоевларнинг тутган ўрни бекиёс.

Ҳозирда кўпгина ёшлар ҳам Нўмонжонни ўз устозлари деб билдилар. Шулардан бири вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, милиция лейтенанти Олмосжон Содиқовдир. У ўтган йил май ойидан ички ишлар идораларида хизмат қилади. Муқимий номидаги Кўзон Давлат педагогика



институтини тамомлаган. Милиция соҳасига ёшлиқдан қизиққан. Бунга тоғаси, мархум милиция майори Мирзажон Йўлдошев сабаб бўлган. О. Содиқов устозлари – профилактика катта инспектори, милиция капитани Хусанжон Тожибоев ва профилактика инспектори, милиция лейтенанти Нўмонжон Эшонкуловлардан сабоқ олиб келмоқда.

Ҳозирда Муқимий шаҳарчасида яшовчи аҳолининг 2 минг нафардан зиёдини вояга етмаганлар ташкил этади. Бу – ҳудудда яшовчиларнинг деярли учдан бир қисми. Маҳалла фуқаролар йиғинида ва 30-мактабда ўтказилаётган суҳбатлар, профилактик-тарбиявий тадбирлар ўз самарасини бериляпти. Бу ишда мактаб раҳбари Содиқжон Тошпўлатов, унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Матлуба Абдураҳмоновалар ҳамisha ҳамнафас ва ҳамкор.

Ёзги таътил даврида ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва кўнгилли ўтказиш долзарб вазифа. Чунки оромгоҳларга боришга ҳамманинг ҳам имконияти бўлавермаслиги мумкин. Шу мақсадда мактаб спорт залида турли тўғрақлар ишлаб турибди. Ҳар бир уй олдида волейбол майдончалари жиҳозланяпти. Мана, яқин-

да янги сузиш ҳавзаси қурилиши бошланди.

– Педагогикадан маълумки, 11-15 ёш ораси болаликдан ўсмирликка ўтиш даври ҳисобланади, – дейди вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори О. Содиқов. – Шу даврда уларни касб-хунарга қизиқтириб, тушунтириш ишларини олиб бориш керак. Ҳа, бизнинг вазиғамиз жазолаш эмас, балки ёшларни тўғри йўлга солишдир. Бу борада мактаб, оила ва маҳалла билан яқин ҳамкорликда ишлаяпмиз.

– Ҳа, биз аҳолининг кенг қатламлари, бутун жамоатчилик билан бирга фаолият кўрсатаёпмиз, – дейди профилактика инспекто-

ри, милиция лейтенанти Нўмонжон Эшонкулов – Хотиржамлик – фаровонлик манбаи, туман бойлиқдир. Халқимизнинг хотиржамлиги, тинчлиги йўлида меҳнат қилаётганимни ўйласам, ҳар сафар севган касбимдан фахрланиб кетаман!

Ҳа, Кўзон шаҳрининг ҳудуди катта ва аҳолиси зич жойлашган – Муқимий шаҳарчасида ҳамisha тинчлик ва осойишталик ҳукм суради. Чунки бу ҳудудда ўз касбига меҳр-муҳаббати баланд осойишталик посбонлари хизмат қилишмоқда.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

Суратларда: Кўзон шаҳар ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, милиция майори Бахтиёр Азимов, профилактика катта инспектори, милиция майори Субҳонкул Хўжамбердиев, профилактика инспектори, милиция лейтенанти Нўмонжон Эшонкуловлар (1-саҳифада); профилактика инспектори, милиция лейтенанти Нўмонжон Эшонкулов (ўртада) фуқаролар йиғини раиси Муҳаммадамин Қўшоқов, маҳалла фаоллари билан навбатдаги вазифаларни маслаҳатлашишяпти.

Муаллиф олган суратлар.

... Пайшанбадан

пайшанбагача...

ТЎППОНЧАЛИ "ҚУЁН"

Навоний вилоятининг Қизилтепа туманида тунги соат 23 дан 30 дақиқа ўтганда нотаниш кимса йўлда келаётган "Тисо" автомашинасини тўхтади, ҳайдовчидан Гиждувон шахрига олиб бориб қўйишни сўради. Йўлда бирдан йўловчининг авзойи бузилиб, қўлига тўппонча олди ва ҳайдовчидан жони омонлигида машинани бўшатиб қўйишни сўради. "Тисо" эгаси ўзини йўқотмасдан дарҳол одамларни ёрдамга чақира бошлади. Куролли кимса вақтни бой бермай қочиб қолди. Бироқ "сомонхона"гача ҳам етиб боролмади. Ҳеч қарда ишламай бойишни хоҳлаган ушбу саёқдан ашёвий далил сифатида спорт тўппончаси олинди.

ОТ КИШНАМАГАН ОҚШОМ

Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида яшовчи Т.нинг тайинли касби йўғ-у, бироқ "хунари" бор экан. У ярим тунда Оққўрғон туманининг Қаҳрамон ширкат хўжалигида яшовчи Ч. Аксеитовнинг ҳовлисига кириб, молхонадаги 2 бош отини олиб чиқиб кетди. Жиноятчининг усталигини қарангки, жониворлар кишнаш тугул ақалли дупурлашмабди ҳам. Фақат ички ишлар ходимлари от ўғрисининг режасини барбод қилиб қўйдилар.

ЖОЙИНИ ТОПДИ

Тошкент шаҳрининг Миробод туманида жойлашган устахоналардан бирининг қоровули, муқаддам судланган 22 ёшли М. иш жойида зерикиб қолганиданми ё бошқа сабабими, хуллас, спиртли ичимлик ичиб маст бўлди. Кейин эса бекор ўтиргандан кўра жанжал қилишни кўнгли тусаб қолди. У устахонада ишловчи Э. билан жиққамушт бўлиб бечоранинг қорнига бир неча бор пичоқ санчиб олди. Жабрланувчи оғир аҳволда касалхонага ётқизилди. Муддаси ижобат бўлган М. эса ҳибсхонага ўтқизилди.

ЁВГА АЙЛАНГАН КУЁВ

Тошкент вилоятининг Бекобод туманилик, ҳеч қарда ишламайдиган А. ўз қайнотасини аёвсиз дўппослаётганда ҳеч бўлмаса ёстиқдошини ҳам юзхотир қилмади. Қайнота касалхонада жон таслим қилди.

БОҒИШАМОЛЛИК "ОВЧИ"

Самарқанд вилоятининг Боғишамол туманида ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилаётган тадбир вақтида "Москвич-412" автомобили тўхталиб текширилди. Шунда ҳайдовчининг ёнидан ясама тўппонча ва 16 дона ўқлари топиб олинди. Ҳар ҳолда у чумчуқ овига кетмаётган бўлса керак?!

"СОТУВЧИ" УШЛАНДИ

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида яшовчи С. ўз уйида танишига 900 грамм героинни 16000 АҚШ доллари-га сотаётган вақтида қўлга олинди.

МАРҲУМ СУВДА ЧЎКИБ ЎЛМАГАН ЭКАН...

Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой шаҳридан оқиб ўтувчи "Кегейли" каналдан 33 ёшли К. Жумагазиевнинг жасади топилганди. Олиб борилган текширувлар мархум аввал ўлдирилгани, сўнгра сувга ташлаб юборилганини тасдиқлади. Қидирув натижаларида эса қотил аниқланиб қўлга олинди. У Б. исмли шахс бўлиб, ўз айбини бўйнига олди.

И. МИНАВАРОВ,
милиция майори.

"Диққат! Пиёда!"

ТАҲЛИЛЛАР ЯНАДА ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

Республикаимиз ҳудудида пиёдалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида шу йил 15 июндан 15 июлгача "Диққат! Пиёда!" ойлиги ўтказилди.

Зилди. Йўл, пиёдалар йўлакчалари, ер ости пиёдалар ўтиш жойлари, йўл белгилари, чироқлар, ўтиш жойларидаги чизиқларнинг ҳолати ва мавжудлиги назоратдан ўтказилиб аниқланган камчиликлар юзасидан мингдан ортиқ далолатномалар тузилди ва тегишли идораларга тақдим этилди.

Ойлик давомида 631706 та қоидабузарликлар аниқланди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, пиёдалар томонидан қоидабузарликларга йўл қўйиш камаймаяпти. Йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига ҳайдовчиларнинг маст ҳолда рулга ўтиришлари сабаб бўляпти. Тез-

ликни ошириш, йўлчиноқ ишораларига бўйсунмаслик кабилар ҳам кўплаб қайд этилди.

Болалар иштирокида йўл-транспорт ҳодисаларининг кескин камайишига эришиляпти. Бу борада Тошкент вилоятида олиб борилаётган ишларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари Бўстонлик, Паркент туманларида жойлашган болалар оромгоҳларида бўлиб, дам олаётган болажонлар ўртасида суҳбатлар ўтказишди. Йўл ҳаракати қоидалари борасидаги билимларини мустаҳкамлаш учун мусобақалар уюштирилди. Олмалик шаҳ-

ри, Оққўрғон ва Бўка туманларидаги автомайдончаларда, болалар боғчаларида амалий машғуллар ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, болалар ўртасида йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш учун ота-оналарнинг ёрдами зарур бўлади. Бироқ, айрим катталарнинг ўзлари қоидабузарликларга йўл қўйиб болаларга "ўрناق" кўрсатишяпти.

Бир сўз билан айтганда, ойлик ўтказилиши республика ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишида ижобий самара берди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасидаги ишлар давом эттириляпти.

И. САЙИДКАРИМОВ,
милиция капитани.

Айни кунларда ойлик яқунлари таҳлил этилмоқда. Бу муҳим тадбирда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларига, ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари вакиллари кўмаклашдилар. Иштирокчилар асосий эътиборни аҳоли ўртасида, идоралар, ташкилотлар, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари ҳамда маҳаллаларда йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб этишга, тушунтириш ишлари олиб боришга қаратишди. Шунингдек, тадбирда маҳаллий ҳокимликлар, "Маҳалла" жамғармаси, меҳнат жамоалари, халқ таълими муассасаларидан вакиллар иштирок этдилар.

Ойлик давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш самардорлигини ошириш мақсадида жамоатчилик билан ҳамкорликда гуруҳлар тузилиб, икки мингга яқин рейд ва текширувлар ўтка-

Найранг

Абдуҳошим эшик кўнғирогини босиб бир оз турганида хушбичимгина аёл чиқиб келди.

— Саиджон аканинг уйлари шуми? — сўради Абдуҳошим.

— Ҳа, тўғри топиб ке-

дим, — деди йигит буюмларни кўздан кечираркан.

— Нақ уч юз кишига мўлжалланган.

— Бошланишига жия-

нимнинг тўйини ўтказ-

моқчи эдик, айна муддао бўлди. Пулини бир оз ту-

— Пешингача етказиб келамиз, ақиқа эрталаб ўтади, — деди Мирхолиқ.

— Акаларингни ноумид қилма, болам, ният қилгин, худо сенга ҳам қўшалоқ ўғил берсин, — деди уларнинг гапини эшитиб

ни Оллоҳ қўлласин, — дея юзига фотиҳа тортди Абдуҳошим.

Йигитлар ижарачи аёлни “сийлаб” унинг стол-стуллари тўққиз юз минг сўмга сотиб юборишди.

бор, фақат ўз вақтида қайтарсанглар бўлди, ҳозир тўй кўп, буюртмачилар навбат кутиб туришибди, — деди йигит.

— Умрингиздан барака топинг, ўзим кўз-қулоқ бўлиб, эҳсон маърака ўтиши билан ҳаммасини бут қилиб жўнатиб юбораман, — деди кампир йигитни дуо қилиб.

Абдуҳошим машинасида онасини уйга элтиб кўйди. Мирхолиқ бир йўла уч юз кишига етарли стол-стул, дастурхон ва бошқа буюмларни ўтган ҳафта келишиб келган жойга олиб кетди...

— Юртимизда тўй-тантаналар кўп, — деди Шайхонтоҳур туман ИИБ катта терговчиси, милиция катта лейтенанти Аваз Курбонов. — Кишиларнинг оғирини енгил қилиш учун шаҳримиздаги тадбиркор кишилар тўй ўтказиш учун зарур бўлган буюмлар, стол-стул, қозон, самовар, лаган ва бошқаларни жамлаб, ижарага бериб туришни йўлга қўйишган.

Бу жуда қўл келадиган савобли иш. Юқорида номлари келтирилган Э. Абдуҳошим ва Ю. Мирхолиқ эса найранг ишла-тиб, уларнинг мол-мулкни ўзлаштириб келганлар. Боғини суриштирмай мевасини еган кишилар фирибгарлар қўлга туш-гандан кейин, типирчи-лад қолишди. Бу икки йигит шаҳардаги ўнга яқин ижарадорнинг бир неча миллион сўмлик буюмларини сотиб юборишган.

Шуни таъкидлаш жозизки, буюмлар рисоладагидек расмийлаштириб олинган. Лекин уларнинг эгалари йигитларнинг кимлиги билан қизиқишмаган. Ижарадорлардан икки-уч нафари милицияга мурожаат этмаганда, фирибгарлар яна “ҳожатбарорлик”ни давом эттиришлари мумкин эди.

С. ШАМСИДИНОВ.

“ҲОЖАТБАРОР” ИЖАРАДОРЛАР

ёки фирибнинг яна бир тури ҳақида

либсиз, — деди аёл очик чехра билан.

— Қўшнимиз тўй қилаётгани, стол-стул, идиш-товоқлар керак экан, ўз номимга ижарага олмоқчи эдим.

— Бемалол, паспортингиз борми? Неча кунга, нималарни оласиз?

Абдуҳошим тўй учун зарур бўлган стол-стул, дастурхон, лаган, чойнак, пиёла, қошиқ каби буюмларни уч юз кишилик дав-рага мўлжаллаб, санаб олди. Ижара ҳақини тўлаб, буюмларни юк машинасига ҳайдовчи дўсти Мирхолиқ билан жойлаб, аёлга икки кун ичида қайта-раман, дея тилхат ёзиб берди.

— Савобли иш қилаётган экансиз, яна омадингиз бор экан буюмларнинг ҳаммаси янги, — деди аёл уни кузатиб.

— Айтган жойга ҳайда, — деди Абдуҳошим машинага ўтираркан.

Шаҳар чеккароғида янги қуриладиган қаҳвахона эгаси йигитларни хушнудлик билан кутиб олди.

— Ука, ҳаммаси янги, кеча айтдим-ку сизга, тўйларга ижарага бериб уч-тўрт сўм ишламоқчи эдим, бошимга оғир иш тушиб қолди, шунинг учун сотаяпман, — деди Абдуҳошим кўзига ёш олгудай ҳолатда.

— Майли, бизга насиб қилган экан, ўн кундан кейин қаҳвахона битеди, арзонроқ стол-стул, идишларни излаб юрган-

ширсангиз, — илтимос қилди йигит кулимсираб.

— Ука, олган пулимга сотаяпман.

— Ҳа майли, — деди йигит ва ортиқча тортишмай нақ икки миллион сўм санаб берди.

— Ана дўстим, сен кўрқиб юрибсан, — деди Абдуҳошим ҳайдовчига, пул солинган қопни салмоқлаб кўраркан.

— Шунақа ишинг билан судланиб чиққанингни эсдан чиқарибман, — деди ҳайдовчи дўстига муғомбирона қараб.

— Жарима солиб қўйиб юборишганди.

Орадан бир ҳафта ўтиб Мирхолиқ Абдуҳошимни йўқлаб борди.

— Узоқ қариндошим хусусий ошхона очаётган экан стол-стул топиб бераман дедим.

— Боплабсан, пиёла, косалар ҳам бор дедингми? — сўради Абдуҳошим худди омбор мудирдай.

— Сўрадим, фақат стол-стул керак деди.

Шу кунгидеك икки “ҳожатбарор” яна бир ижарадорнинг уйида пайдо бўлишди.

— Акалар узр, стол-стуллар бўш эмас, — деди ёшгина йигит қўлини кўксига қўйиб.

— Э ука, атайлаб сени олдинга келдик, жиянимиз Ҳасан-Ҳусан кўрди, эртага ақиқа оши, сенга ҳам худо қўшалоқ ўғил берсин.

— Иложим йўқ, эртага пешинга буюртмам бор, — деди йигит яна оёқ тираб.

турган йигитнинг онаси.

— Пешингача етказиб келинглар, — деди йигит ноилож стол-стуллари санаб бераркан.

— Албатта етказиб келамиз, — деди Абдуҳошим йигитга ижара пулини тўларкан.

Мирхолиқнинг қариндоши стол-стул учун салкам бир миллион сўм санаб берди.

Эртасига пешинда стол-стул эгаси буюртмачи олдида мулзам бўлиб турарди. Абдуҳошим билан Мирхолиқ эса ресторанда навбатдаги “ов” бароридан келганини ювишарди.

Навбатдаги найрангни Абдуҳошим ўйлаб топди. Кечки пайт ижарага стол-стул берадиган ўрта ёшли аёлнинг уйига бордилар.

— Маҳаллада уч-тўртта етим болалар бор. Қўлини “ҳалоллаб” қўйлик деб, ош беряпмиз. Етимларга хизмат қилиш савоб-ку, — деди Абдуҳошим аёлдан стол-стуллари санаб оларкан.

— Вой айланай, етимларнинг тўйига бўлса, ижара ҳақини тўламасангиз ҳам майли.

— Йўқ опа, маҳалла аҳли пул йиққанмиз, сизнинг ҳақингизни ажратиб беришди, — деди Мирхолиқ чўнтагини кавлаб.

— Стол-стулни бус-бутун етказиб келсанглари бўлди, мен розиман, — деди аёл қўлини кўксига қўйиб.

— Майли опа, етимларни сийладингиз, сиз-

Ҳукм ўқилди

НОМУСИ САҚЛАНДИ, БИРОҚ...

Улар маҳалладаги тўйга кетиш тараддуидида юришганида меҳмон келиб қолди. Мезбонлар унинг ҳурмати учун шошилишмади. Иззатини жойига қўйиб, тўкин дастурхон атрофида яхши тилаклар билдирдилар. Сўнг узрларини айтиб, меҳмонни ҳам тўйга таклиф қилишди.

Мурод хотини билан олдироқ, иниси Соғиндиқ меҳмон дўсти — Раҳим билан кейинроқ йўлга чиқишди. Гулпаршин эса қозон-товоқларни ювиб, эшикларни кулфлаб бораман, деб сал ҳаяллаб қолди. “Сийит-яп” каналининг кўпригига яқинлашганида Раҳим қорни

оғриётганини айтиб, пана-роққа ўтиб кетди. Соғиндиқ “кўприкнинг нариги томонида кутиб тураман” деб йўлда давом этди.

Акаларининг изидан етиб олиш учун шошиб югуриб келаётган Гулпаршиннинг оғзини кутилмаганда кимдир маҳкам бос-

ди-да, ўзини ариққа туширди.

— Сени бир кўришда яхши кўриб қолдим. Сенга албатта уйланаман, истасанг олиб қочаман, — дея ноҳўя ҳаракат қилаётган йигит ҳансираб пичирлади. Дами ичига тушиб бораётган қиз эса ваҳший чангалида жон ҳолатда типирчиларди. Йигит қўлини олиши билан қиз ёрдам сўраб қаттиқ бақирди. Синглисининг бақиргани эшитиб, акалар шу томонга чопишди... Раҳимнинг беҳаё қилиқларидан жазавага тушган акалар

ақл билан иш кўриш ўрнига жаҳл жиловини қўйиб юборишди. Улар қилган ишидан пушаймон бўлиб, ялиниб-ёлвориб кечирим сўраётган Раҳимга оч бўридай ташланишди. Уни ҳолдан тойгунича уришди. Сўнг чалажон йигитнинг қўл-оёқларини маҳкам боғлаб, каналга улоқтирдилар. Шу тариқа Раҳим Холбаев ўйланмасдан жаҳл устида қилган бе-маъни ҳаракатлари оқибатида мудҳиш ўлим топди.

Номус ҳимоячилари бўлмиш ака-ука — Муродбой ва Соғиндиқларнинг

ваҳшиёна ҳаракатларини эса на қонун, на шариат кечиради. Чунки Оллоҳ инсонга нафс, ҳирс, жаҳлни жиловлаб туриш учун ақл-заковат берган. Онги ва тафаккури эса унинг бор гўзаллигини намойиш қилади.

Амударё тумани “Хоразм” ширкат хўжалигида яшовчи Муродбой ва Соғиндиқ ўрозбоевларнинг жиноят иши Қорақалпоғистон Республикасининг жиноий ишлар бўйича олий судида кўриб чиқилиб, бири 18, иккинчиси 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

“БИР МИНГ БИР ҲАДИС” ХИСЛАТЛАРИДАН

Пайғамбаримиз салаллоҳу алайҳи вассалламдан умматлари сўрадилар:

— Оллоҳ қай хислатли бандаларини яхши кўради?

Ул зот жавоб бердилар:

— Оллоҳ ичор, қийналган одамга яхшилик қилганини яхши кўради.

Оллоҳ таоло ҳар бир ишда шафқатли бўлиш ва меҳрибончилик қилишни яхши кўради.

Оллоҳ таоло ёмон кўиниси бўлиб, кўинисидан етган озорга (савоб умидида) сабр этган бандани яхши кўради.

Оллоҳ таоло бандаларнинг гайратларини яхши кўради.

Оллоҳ ўзи кечирувчи зот, кечирувчинини яхши кўради.

Пайғамбаримиз (С. А. В) дан умматлари яна сўрадилар:

— Оллоҳ қандай бандаларини ёқтирмайди?

Ул зот жавоб бердилар:

— Оллоҳ таоло оғзи бепوشна ва ёмон иш қиладиган кишиларни ёмон кўради.

Оллоҳ таоло дўстларига (хўмрайдиган) қовоқ солиб қарайдиган кишини ёмон кўради.

Оллоҳ олий ҳимматини яхши кўради ва яхши хулқларни яхши кўради ва пасткашлик хулқларни ёмон кўради.

Шунингдек, Оллоҳ: “Миш-миш гап тарқатувчилардан”; “Саволни кўп берувчилардан”; “Молни беҳуда сарфловчилардан” норози бўлади.

Сабр деб нимага ай-тилади? — деб сўрадилар ул Ҳазратдан.

Сабр деб мусибатга йўлиққанда аввалги дақиқаларида ўзини ушловга айтилади, — жавоб бердилар Ҳазрат. — Бахтли киши фитналардан йироқ бўлган ва мусибат етганда сабр қилган кишидир.

Саҳобаларидан бири Пайғамбаримизга хотинининг қайсар ва ўжарлигидан шикоят қила бошлади.

— Албатта хотин киши қобиргадан яралган, — уни юпатдилар Ҳазрат. — Агар сен қобиргани тўғрилайман десанг — синдирасан. Муроса қилсанг, у билан ишайсан.



**Савол: – Жиноят содир этишда айбланаётган вояга етмаганлар неча ёшдан жиний жавобгарликка тортиладилар?
Р. Бекчанова, Хоразм вилояти.**

Жавоб: – Жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. Жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирилганликлари учунгина жазоланишади. Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.



**Савол: – Қайси вақтдан бошлаб адвокат жалб қилиниши мумкин?
Д. Орипов, шифокор.**

Жавоб: – Адвокатнинг ишда иштирок этишига фуқарога айблов эълон қилинган вақтдан бошлаб (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 46-моддаси) ёки у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор чиқарилган (47-модда), ёхуд ушланиб, ички ишлар бўлимига олиб келинган пайтдан бошлаб рухсат этилади.



**Савол: – Қандай шахс гумондор ҳисобланади?
Т. Холматова, Самарқанд вилояти.**

Жавоб: – Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 47-моддасига кўра, гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишига жалб этиш учун етарли бўлмаса у гумондор шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор қабул қилади.



**Савол: – Бундан 8 йил муқаддам тижорат ишлари билан шуғулланаётганимда Қозоғистон Республикасига кетиб ўша ерда қолиб кетдим. Қаерда эканлигимни уйдагиларга хабар қилишнинг имкони бўлмади. Шу йил февраль ойида уйга, яъни Янгийўлга қайтиб келдим. Маълум бўлишича, мени бедарак кетган деб топишибди ва умр йўлдошим бошқа оила қурибди. Уни турмушдан ажратиб олиш ва никоҳни тиклашга ҳақлимани?
О. Мухамедов, Янгийўл шахри.**

Жавоб: – Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 48-моддаси талабига кўра суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган ёки бедарак йўқолган деб топилган эр (хотин) қайтиб келган ва тегишли суд қарори бекор қилинган ҳолларда, никоҳ эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кўра фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи томонидан тикланиши мумкин. Агар эр ёки хотин янги никоҳга кирган бўлса, уни тиклаш мумкин эмас.

**Хуқуқшунослар
Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ ва
Х. МУСАБОВЕВАлар тайёрлашди.**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, "ЖАР" спорт-соғломлаштириш комплекси жамоаси мажмуа бошлиги ўринбосари, милиция полковниги **Валентин Николаевич НАСТЮКОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Паркент тумани ИИБ бошлиғининг биричи ўринбосари, милиция подполковниги **Абдувосил СОБИРЖОНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ИПХ инспектори, милиция старшинаси **Дилшод АБДУЛЛАЕВ**нинг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Хатирчи тумани ИИБ хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси профилактика инспектори **Зокир ЙЎЛДОШЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

"ОДАМГАРЧИЛИК" ҚИЛДИ

Кумқўрғон туманининг Сафар Бойматов номи ширкат хўжалигида истиқомат қилиб, болалар шифокори бўлиб ишлаётган Ж. Б. оқ халатига доғ туширди. У қандай қилиб бўлса-да, жон койитмай пул топишни орзу қиларди. Бунинг учун қонунларни бузишга ҳам тайёр эди. Шу йилнинг бошларида Ж. Б.нинг ёнига Насиба исмли аёл келиб қолди. Унинг илтимосини эшитган шифокорнинг қувончдан юзлари ёришиб кетди. Амаллаб опага "пулдан чўзинг" деган ишорани қилди. Насиба опа ҳам "зийрак" экан. Дарҳол рози бўлди. Шундан сўнг шифокор "одамгарчилик" қилиб, опахонга қалбаки маълумотнома ёзиб берди. Сохтакор Ж. Б. қўлга олинди. Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга соладур, деганлари шу бўлса керак.

САДАҒАСИ КЕТСАНГ АРСИЙДИ

Деворда осиглиқ турган милтиқ қачондир отилади. Аммо шу ўқ кимнингдир ҳаётига нуқта қўйиши мумкин. Бунга эътиборга олган Бойсун тумани ИИБ ходимлари махсус рухсатномасиз сақланаётган ўқотар қуролларни топширишга қаратилган тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Таргиботлар ўз самарасини бераётти. Туманнинг Сайроб ширкат хўжалигида яшовчи Сафар Қурбонов ва Мачай ширкат хўжалигидан Абдусалом Жўраевлар ўз ихтиёрлари билан ов қуролларини топширдилар. Ақли одамнинг садағаси кетсанг арсийди.

ҚИММАТГА ТУШГАН ЭЪТИБОРСИЗЛИК

Баъзан салгина эътиборсизлик фожеаларни келтириб чиқаради. Бунга Термиз шахри 4-кичик даҳа, 3-уйда истиқомат қилувчи Баҳодир Ҳайитов ўз ҳаётида синаб кўрди. Айвонга қўйилган идиш ичидаги ёнғичи суюқлик кун иссиғида буғланиб тураверди. Натижада кутилмаган воқеа содир бўлди. Хонадондаги музлатгичнинг ўчиб ёниши натижасида зичлашган суюқлик портлаб кетди. Хонадон соҳибаси анчагина моддий зарар кўрди. Яхшиямки уйда ҳеч ким йўқ эди. Акс ҳолда фожеа рўй бериши ҳеч гап эмас эди

ЭХТИЁТ БЎЛГАН ЯХШИ

Кумқўрғонлик Абдулхамид Донаевнинг уйида содир бўлган ёнғич хон

надон соҳибига анчагина моддий зарар етказди. Халқимизда кўзинг чиқмасидан уни асра, деган гап бор. Шу боис электр, газдан фойдаланишда эҳтиёткорлик билан иш тутиш, ёнғич хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш ҳеч қачон зиён қилмайди.

ЗЎРАВОНЛАР

Бандихон туманидаги Зевер маҳалласи фуқароси 62 бош қўйни ҳайдаб кетаятган эди. Ердан чиқдимиз, осмондан тушдимиз, бир киши йўлини тўсди ва қўрқитиб 2 та қўйини олиб қўйди. Қўрқувдан гаранг бўлиб қолган Алишер Ператов дарҳол туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Ички ишлар ходимларининг тезкор қидирувлари натижасида зўравон ўғри қўлга олинди. У илгари судланган С. Р. бўлиб чиқди. Термиз шахрида яшовчи Баҳодир Бобомуродов "Тисо" русумли машинасини деҳқон бозори ёнида тўхташиб, ўғли Фурқатни қоровул қилиб, ичкарига кирди кетди. Ун яшар бола қўққисдан пайдо бўлган зўравонга бас кела олмади. У болани қўрқитиб, машинадан "Артеч" автомагнитофонини "шумо" қилди. Ички ишлар ходимларининг синчковлик билан олиб борган суриштирувлари натижасида ушбу талончиликни бошқа жинояти учун қамоққа олинган Ш. Х. содир этганлиги аниқланди.

ЭССИЗ, ИНСОН ДЕГАН НОМ

Содир этган жинояти учун жазони ўтаб қайтган Хуррамнинг ақлсиз (ақлли одам ундай ҳаракат қилишдан тийилади) калласида мудҳиш режа туғилди. У Термиз шахри марказида яшовчи хонадонлардан бирининг эшигини тақиллатди. Уй соҳибасига айна вақтда Қашқадарёда жазони ўтаётган эрининг ёнидан келганлигини айтиб, ўзини "Рустам" дея таништирди. Ҳолаҳвол сўрашган бўлди-ю, "эрингиз акасига бир гап тайинловди, бирортаси менга у кишининг уйини кўрсатиб қўйсин", дея аёлнинг ёнида турган қизалоққа куш қараш қилиб қўйди. Уй соҳибаси ҳам содда экан. Амакиннинг уйини кўрсат, дея қизини сохта "Рустам" билан жўнатди. "Меҳрибон амаки" қизалоқни дала шийпонига олиб бориб, тан жароҳати етказган ҳолда номусига тегди ва қочиб қолди. Воқеадан хабар топган ички ишлар ходимлари зудлик билан ишга киришдилар. Гумондор Музрабод туманидан тутиб келинди. Уни яқиндан билганлар эса нафрат билан "эссиз, инсон деган ном" дея қарғашмоқда. **С. НОРМУРОДОВ,** милиция майори.


Ажабо!

ТУНГИ "ДОРБОЗ"ЛАР

Бекобод шахри металлургия комбинати этагидаги кўчада чарақлаб ёниб турган чироқлар бараварига ўчиб, атроф зим-зиё бўлди-қолди. Патруль-пост хизмати ходимлари, милиция сержантлари Б. Жонибеков ва Р. Абдужабборов худудни айланиб юришарди. Хонадонлардаги чироқ ёниқ туриб, кўчадагиси ўчиб қолганидан хушёр торган йигитлар атрофни синчковлик билан кузата бошлашди. Улардан бирининг кўзи симёғчининг тепа қисмида турган шарпага тушди. Икковлон ўша томонга шошиб боришганда пастда яна бир киши кўринди. Илдам

бориб уни ушладилар. Тепадаги шериги қўлида сим кесишга мўлжалланган қайчини кўтарганча симёғчини кучоқлаб турарди. Ярим тунда чироқни ўчириб, симёғчига осилиб чиққан йигит Бекобод шахрилик О. Қурбон экан. Пастда қоровуллик қилаётгани эса шахар атрофидаги маҳаллада яшовчи Қ. Олим бўлиб, шериги билан кабель ўғирлаш учун келгани маълум бўлди. Дастлабки суриштирувда бу икки "дорбоз" илгари ҳам симёғчларга чиқиб кабель ва симларни кесиб олганини аниқланди. **Ўз мухбиримиз.**

ТЕМУРНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



Тошкент вилояти ИИБ ҲООбга қарашли вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам бериш марказига С. Раҳимов тумани ИИБ профилактика инспектори томонидан қаровсиз қолган 1997 йилда туғилган Темур исми бола олиб келинган. Дастлабки профилактик-суриштирув ишлари чоғида аниқланишича, бола 16 июль куни уйдан чиқиб кетган. Онасининг исми – Элмира. Яшаш жойи ва ота-онаси ҳақида аниқ айтилмайди. **Белгилари:** бўйи 110 см, жуссаси кичкина, юзи юмалоқ, қошлари сийрак қора, кўзи жигарранг. **Кийимлари:** эгнига жигарранг футболка, жигарранг шортик, оёғига кўк кеда кийган. **Темурнинг ота-онаси ёки қариндош-уруғлари Янгийўл шахридаги вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам бериш марказига мурожаат қилишлари мумкин. Телефонлар:** Янгийўлда 2-32-97, 2-40-10 (код-37160).

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir o'rinbosari v.b. **Murod TILLAYEV**

Mas'ul kotib **B. AZIMOV**
Navbatchi: **S. SHAMSIDDINOV**
Musahhihlar: **M. AKRAMOVA G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi: **A. MIRZAMUHAMEDOV**

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69.
Mas'ul kotib 139-73-88.
mxbirlar bo'limi 139-75-69.
Buxgaltir 139-75-37.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail: **urmvd@globalnet.uz**

Bizning hisob raqamlarimiz **O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent viloyati Bosh boshqarmasi. hisob raqami: 2159600500447980001, MFO 00025.**

ABN AMRO Bank MB O'zbekiston A.J. 20210000300447980002 MFO 00831, i/r 5033853 INN 200637499

• Ko'chirib bosishda «Postda» dan ekanligini ko'rsatish shart
• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida **00007** raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma **Г — 645.** Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.
Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

41.366 nusxada chop etildi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.